

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 457-ҳадис

457 - وَعَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اقْرَأْ عَلَيَّ الْقُرْآنَ» قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ! أَقْرَأُ عَلَيْكَ، وَعَلَيْكَ أَنْزَلَ؟! قَالَ: «إِنِّي أَحِبُّ أَنْ أَسْمَعَهُ مِنْ غَيْرِي» فَقَرَأْتُ عَلَيْهِ (سُورَةَ النَّسَاءِ)، حَتَّى جِئْتُ إِلَى هَذِهِ الْآيَةِ: {فَكَيْفَ إِذَا جِئْنَا مِنْ كُلِّ أُمَّةٍ بِشَهِيدٍ وَجِئْنَا بِكَ عَلَى هَؤُلَاءِ شَهِيدًا} قَالَ: «حَسْبُكَ الْآنَ» فَالْتَمَعْتُ إِلَيْهِ، فَإِذَا عَيْنَاهُ تَذَرِفَانِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 4582، م 800].

457. Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Менга Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Менга Қуръон қироат қилиб бер»**, дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, сизга Қуръон ўқиб бераманми? Ваҳоланки, Қуръон ўзингизга нозил қилинган бўлса», десам, у зот: **«Мен Қуръонни ўзимдан бошқа кишидан эшитмоқни яхши кўраман»**, дедилар. Шунда мен «Нисо» сурасининг қуйидаги ояти «(Эй Муҳаммад), **Биз ҳар бир умматдан** (ўша умматнинг пайғамбарини) **гувоҳ келтирганимизда ва сизни ана уларга қарши гувоҳ қилганимизда, уларнинг ҳоли не кечур?**» оятига етсам, у зот: **«Ҳозирча кифоя қилади»**, дедилар. Кейин у зотга назар солсам, икки кўзларидан ёш қуйилаётган экан».

*Муттафақун алайҳ.*

**Шарҳ:** Қуръони Каримни ўқиш, уни тинглаш ҳам ибодат ҳисобланади. Каломи шариф пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ўзларига ваҳий қилинган, у кишининг қалбларидан жой олган бўлса ҳам, у зот саҳобаи киромларга Қуръон ўқитиш ва уни тинглашни яхши кўрар эдилар.

Бу ҳадисда Абдуллоҳ ибн Масъуднинг фазилатлари баён қилинмоқда. Чунки Расулуллоҳ с.а.в. Аллоҳнинг каломини бу кишининг оғзидан эшитишни

истамоқдалар. Бу нарса Ибн Масъуднинг Қуръон талабида ва уни ёдлашда жонбозлик кўрсатганларига далолат қилади.

Қуръонни бошқа кишидан эшитиш тадаббур ва тафаккурга чорлайди.

Ибн Баттол айтадилар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша куннинг аҳволини, ўз умматларига гувоҳ бўлишнинг оғирлигини, Аллоҳдан уларни шафоат қилишни сўрашларини ўйлаб йиғлаган эдилар. Албатта, бу нарсаларни ўйлаб йиғламасликнинг иложи йўқ».

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI